



МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ЁШЛАР НИГОҲИДА

Баҳор гузаллиги ҳақида хоҳлаганча тўлғониб гапириш, хоҳлаганча таъриф-тафсиф қилиш мумкин. Лекин бу фаслнинг таровати, гузал ва лобар қизларимиз мунис нигоҳларида, болаларнинг жасажжи кулгусида, уларнинг жамолида акс этганчалик бошқа фурсатларда бўй кўрсатмайди.

Ҳар баҳор аввалида, яъни 1 мартда барча жойларда бўлгани каби Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам атоқли шоира Зулфияхоним таваллуд айёми юқори кўтаринкилик билан ўтказилади. Зулфияхонимнинг шеърларини тўлқинланиб ўқиётган қизларнинг юзига эътибор қилсангиз, уларда шеърининг дилбар ҳайрати, Зулфияхонимга бўлган чуқур эъзоз билан бирга, баҳорнинг кўрки ҳам ҳукмрон бўлади. Чунки баҳор дилбар қизлар дил қувончлари ичра доим яшайди. Бу манзара уларнинг билим ва ақл нури билан диллар янада чаровон бўлади. Улар Зулфияхоним издошлари, қизларидир. Бу мақоламизнинг қаҳрамонлари ҳам худди шундай Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фаол қизлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларидир. Уларнинг кутубхона, китоб ҳақидаги фикрлари сизни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.



Юртимиздаги энг бой ва мухташам кутубхона бу, Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир. Бу кутубхона бундан бир юз эллик йил олдин бунёд бўлган ва катта тарих сирларини ўзида сақлаб келаётган мухташам маскандир. Биргина бу ўтган бир ярим асрлик давр ҳам унинг нечоғлик қудрат ҳосил қилганлигига гувоҳ бўла олади. Ўтган давр мобайнида бу ерда Ўрта Осиёда энг улкан китоб ва вақтли матбуот нашрларини жамлаган маънавият маскани вужудга келди. Бунда кўпни ўйлаб, биз учун ва биздан кейинги авлодлар учун шу китобларни сақлаб қолган инсонларнинг катта хизматлари ҳам ётибди.

Мен талаба бўлиб азим Тошкент шаҳрига келганимдан бери кутубхонанинг доимий, фаол фойдаланувчиси бўлишга ҳаракат қиламан. Бу ерда дўстлар орттирдим, билимларимни мустаҳкамладим, янги, ўзим учун нота ниш бўлган китобларни илк бора шу масканда қўлимга олдим. Ўзимда китоб ўқишга чексиз

иштиёқ туйдим. Бунинг учун бу кутубхонага қанча ташаккурлар улашсам кам.

Шу ўринда, яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мен катта ҳаётга қадам қўйиб, оила кургач, албатта, барча аёлларда бўлгани каби менда ҳам рўзгор ишлари, зарурий ишлар, масъулият юки янада ошди. Бу пайтда аёл киши кутубхоналардан бироз узоқлашиши мумкин. Лекин оила билан илмни бақамти олиб бориш инсонни фақат юксалтирар экан.

Бу ердаги шароитлар, бу ердаги қулайликлар бутун дунё стандартларига жавоб бера олади, деб бемалол айтсак бўлади. Мен шундай кутубхонада минглаб фойдаланувчилар сафида эканлигимдан жуда шодман. Мана шу юртнинг бир фарзанди сифатида тенгдошларимни, сингилларимни ва фарзандларимизни кутубхоналар билан дўст бўлишга чақирардим. У бизни юксалтиради, ўз устимизда ишлашга, доим изланишда бўлишга чақиради. Албатта, кутубхоналарга яқин бўлиш маънавиятга яқин бўлишдир.



Наргиза Охунова,
Ўқитувчи, шоира,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори



Фарида Тошпўлатова,
талаба, Зулфия
номидаги Давлат
мукофоти
совриндори

» **М**ен хорижий тилларни ўрганишга ёшлигимдан жуда қизиқаман. Хорижий тилларни ўрганиш кўплаб китобларни ўқиш ва муттасил ўз устида ишлашни талаб қилади. Шунинг учун кўп вақтимни кутубхоналарда, жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг хорижий адабиётлар сақланадиган залида ўтказишга ҳаракат қиламан. У ерда топган китобларимни бошқа кутубхоналардан топишим амримаҳол. Чунки юртимизда энг кўп халқаро алоқалар, китоб айирбошлаш билан мазкур кутубхона шуғулланар экан. Бундан ташқари, бу ерда инглиз тилида суҳбат олиб бориш учун жуда катта имкониятлар бор. Ташриф буюрувчи кўплаб ёшлар бирон тилни жуда яхши

билади ва бир-бири билан эркин мулоқот қила олади. Бу эса, сўзлашув имкониятининг ошишига сезиларли туртки бўлади.

Мен келажақда моҳир таржимон бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Кўплаб китобларни таржима қилишни ният қилганман. Бунинг учун кўп китобларни ўқиш кераклигини ҳам яхши биламан. Келажагини таржима, бадиий ижод билан боғлаган ёшлар учун кутубхоналар энг муҳим маскан ҳисобланади. Бундан ташқари, бу масканга қадам қўйган ҳар қандай йигит-қиз китобларга қизиқиб қолади, унга интилади ва ўқишга бўлган интилиши янада ошади. Мен бунга аминман.



Масфўна Норматова,
талаба, Зулфия
номидаги Давлат
мукофоти
совриндори

» **Д**оғистонлик буюк шоир Расул Ҳамзатов ўзбек шеърини ҳақида фикр билдирар экан: «Шоирлик шоирликка нисбатан кам учрайдиган ҳодиса. Ана шундай ярқироқ юлдузлар қаторида ўзбек шоираси Зулфия муносиб ўрин эгаллайди...» – деган эди. Мен шундай шоира номи билан юритилган мукофот соҳибаси эканлигимдан ўзимни бахтиёр қиз сифатида биламан. Бу, албатта, менга жуда катта масъулият юкини ҳам юклайди. Чунки шу мукофотга яраша ижод қилиш, ўқиб-ўрганиш ва шунга яраша ижод қила олиши керак.

Шунинг учун асосий вақтимни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказишга, ҳаракат қиламан. Айниқса, бадиий адабиётларни кўп мутолаа қиламан. Китобларни ўқишни севаман. Фаоллигим учун Миллий кутубхонанинг қатор мукофотларига ҳам сазовор бўлдим. Яъни «Энг фаол фойдаланувчи – 2015» танловида «Китобларга энг кўп буюртма берган фойдаланувчи» номинацияни қўлган киритдим. Бу мени жуда хурсанд қилиб юборди. Бу каби имкониятлар, фақат, бизни ўқиб-ўрганишга чақиради ва муваффақият сари етаклайди.



Меҳриноз Аббосова,
талаба, Зулфия
номидаги Давлат
мукофоти
совриндори

» **М**ен Ўзбекистон Миллий кутубхонасига келиб бадиий ижод намуналарини ўқишни яхши кўраман. Бунинг учун бу ерда барча шарт-шароитлар бор. Менимча, бу ерга келувчи ҳар бир ёшнинг севимли маскани бўлса керак.

Мен ёшлигимдан бадиий ижодга ошноман. Ёшлигимда Зулфия, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Ҳалима Аҳмедова каби шоираларимизнинг шеърларини ўқиганимда қалбимда улардек шоира бўлиш истаги жўшурарди. Авваллари ёзганларим тезроқ матбуотда эълон қилинса, китобларим чиқса дердим. Ҳозир негадир ёзганларимга жуда талабчанман. Албатта, Зулфиянинг издоши номига лойиқ кўришдими, шу номга муносиб бўлиш керак-да.

Бугун, баҳор нафаси сезилиб турган кунларнинг бирида устозимиз Зулфияхонимни

яна бир бора ёд этаётганимдан мамнунман. Ўзбекистон қизлари Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳар йили Зулфия мукофоти танлови голибларига айланмоқдалар. Бу шоирамизнинг абадиятга даҳлдорлигининг ёрқин исботидир.

Зулфияхоним ўзларига Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини тантанали топиришга бағишланган маросим минбаридан туриб шундай деганлар: «Мен ўзим кўтарилган ҳар бир зинада устозлар назари барҳаётлигини ҳис этаман. Бугунги ёшларга ҳам шу туйғу ҳамроҳ бўлишини истайман».

Мен бугун ана шундай шоиранинг издоши бўлишдек бахтга муяссар бўлганимдан мамнунман. ■